

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

ХАЛҚАРО АУДИТ ТИЗИМИ

фанидан

ДАСТУР

**Олий таълимнинг 340000 – “Бизнес ва бошқарув” таълим
соҳасидаги 5А340902 – “Аудит (иқтисодиёт тармоқлари
бўйича” магистратура мутахассислиги учун**

Ташкент – 2003

Тузувчилар: проф. Хошимов Б.,
доц. Азларов Д.
Такризчилар: доц. Ҳамдамов Б.,
доц. Маматов З.

"Халқаро аудит тизими" фани дастури Ўзбекистон Давлат стандартининг **5А340904** -"**Ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби ва таҳлили**" мутахассислиги бўйича магистрантлар тайёрлаш учун тузилган.

Дастурда хорижий давлатларда халқаро аудиторлик фаолияти стандартлари мазмуни ва улардан фойдаланиш тартиблари, халқаро стандартлар ва аудит нисбати, халқаро стандартларнинг миллий стандартлар билан боғлиқлиги ҳамда аудитга доир бошқа меъёрий ҳужжатларни ўрганиш кўзда тутилган.

Программа дисциплины "Система международного аудита" разработана согласно Государственному стандарту Узбекистана для магистров по специальности 5А340904 - "Учет и анализ внешнеэкономической деятельности".

В программе освещены вопросы содержания и порядка использования международных стандартов аудиторской деятельности за рубежом, соотношение международных стандартов и национальных нормативных документов.

The subject "System of international audit" is designed according to State Standard of Uzbekistan for the masters on a speciality 5А340904 - "Count and analysis of external economic activity".

In this program question about contents and order of usage of the international standards of auditor activity abroad, ratio of the international standards and national normative documents are lighted up.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель, 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль, 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини ҳаётга тадбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли Қарорига мувофиқ Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар асосида ҳар бир ўқитиладиган фан учун дастурлар тайёрлаш зарурияти турилди. "Халқаро аудит тизими" фани бўйича ушбу дастур қўйилган барча талаблар асосида тузилган бўлиб, «Бухгалтерия ҳисоби», «Аудит» мутахассислиги магистрантларидан ташқари Олий таълимнинг бошқа йўналишлари учун ҳам қўлланилади. Халқаро аудит тизими фани дастури хорижий мамлакатлар аудиторлик тизимининг ўзига хос жиҳатларини ўрганишни кўзда тутди.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитига ўтишни таъминловчи янги иқтисодий муносабатларни шакллантиришда аудиторлик фаолияти муҳим вазифалардан ҳисобланади. Унинг асосий мақсади - молиявий бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш, ҳисоб юритиш бўйича зарур маслаҳатлар бериш ва ҳоказолардан иборат.

«Халқаро аудит тизими» фанини ўрганиш, унинг турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарни бошқаришда тутган ўрнини тушуниш ва назарий билимларни амалий билимлар билан бойитишни вазифа қилиб қўяди.

Магистрантлар "Халқаро аудит тизими" фани бўйича қуйидагиларни билиши зарур:

- ҳозирги ривожланган иқтисодиётда аудитнинг ўрни ва аҳамияти;
- халқаро аудиторлик стандартларининг ишлаб чиқилиши тартиби;
- халқаро аудиторлик стандартларининг жаҳон мамлакатлари бўйича қўлланилиш даражаси;
- ҳужжатли ва ҳақиқий текширишларни ўтказишнинг хусусиятлари ҳақида;
- иқтисодий маълумотларни умумлаштириб, таҳлил қилиб, реал маълумотларга эга бўлиш;
- корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича хулоса ва таклифлар бериш ва ҳоказо.

Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Давлат таълим стандартларига асосан мазкур йўналишда таълим оладиган магистрантлар «Халқаро аудит тизими» фани бўйича чуқур билим олиши ва етук мутахассис бўлиб етишишлари учун қуйидагиларни билишлари зарур:

- ◆ ҳозирги замон тараққиётида аудитнинг ўрни ва аҳамияти;
- ◆ бухгалтерия ҳисоби ва аудит фани иқтисодиётни ўрганишнинг асосий мезони эканлиги;
- ◆ иқтисодиётнинг турли соҳаларини самарали бошқаришда аудит маълумотлари асос бўлиб хизмат қилиши;
- ◆ ҳуқуқий давлат, демократик фуқаролик жамиятининг талабалари ва магистрантлари, айниқса, бухгалтер ва аудитор мутахассислигини эгалловчилар ҳуқуқшунослик фанларини чуқур эгаллаган бўлишлари;
- ◆ иқтисодий сиёсатни ривожлантиришда бухгалтерия ҳисоби ва аудит муҳим бўлган эканлиги.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалиёт бирлигига магистрантларнинг ўқишга бўлган қизиқишини янада оширишга, уларнинг имкон қадар мустақил билим олишига эришиш зарур.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Мазкур фанни ўрганиш учун магистрлар қуйидаги фанлар бўйича етарли билимга эга бўлишлари зарур: ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий ҳисоби, ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий таҳлили, инвестициялар аудити ва баҳолаш, давлат солиқ йиғимлари ва бошқа иқтисодий фанлар, шунингдек, молиявий математика. Уни ўзлаштириш натижасида магистрантлар халқаро аудитларни ўтказиш бўйича назарий ва амалий билимларга эга бўлишлари, аудиторлик хулосаси ва раҳбариятга хат тузишни билишлари керак.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

Магистрантларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимларини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- магистрантларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлаш;
- магистрантга ўз билимини ўзи баҳолаши учун шароит яратиб бериш;
- магистрантларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб, ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;
- магистрантларга «1С:Бухгалтерия», «Турбо-Бухгалтерия» ва бошқа дастурлар билан ишлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш;

- иқтидорли магистрантлар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча дарслар ташкил қилиш ва ҳ.к.

"Халқаро аудит тизими" курсини ўқитишни илғор педагогик технологиянинг таркибий қисмлари бўлмиш ўқув мақсадлари ва вазифалари каталогини ишлаб чиқиш; ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш; ўқув мақсадларига эришиш; қўйилган мақсадларга эришилишини баҳолаш; таянч ибораларига асосланган назорат ишларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Халқаро аудит тизими" фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўқитилади. Аудиторияда олган назарий билимларини мустақамлаш мақсадида магистрантлар корхона ва хўжаликларда амалиёт ўтайдилар. Магистрантларнинг билимлари ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг усулида баҳоланади.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза кейин амалий машғулот ўтказилади. магистрантлар ўтилган мавзуларни мустақил ўрганишлари учун уй вазифалари берилади ва уларнинг бажарилганлиги даражаси рейтинг ёрдамида баҳоланади. Магистрантларнинг олган билимларини аниқлашнинг оғзаки ва ёзма усуллари ҳам қўлланилади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича соатлар ҳажми

Мазкур фанни ўрганиш учун жами 60 шу жумладан: назарий - 20 амалий - 20 соат ва мустақил таълим учун 20 соат ажратилган.

2. ФАН ДАСТУРИ

Халқаро аудиторлик компаниялари ва уларнинг ривожланиш тарихи

Сима, Делойт ва Туш аудиторлик компанияларининг ривожланиш тарихи.

Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро стандартлари. (МХҲС). *МХҲС нинг тамойиллари*. Стандартнинг асосий тамойиллари.

Молиявий ҳисоботларни текширишдан мақсад ва унинг ҳажми

(Стандарт-1)

Текширишдан мақсад ва унинг ҳажми. Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги учун мижозларнинг жавобгарлиги.

Аудит ўтказишга келишилганлиги ҳақида хат (Стандарт-2)

Аудит ўтказишга келишиш хатини тузиш тартиби ва унинг мазмуни. *Келишилганлик ҳақидаги хатнинг асосий тизимлари.*

Аудитни ўтказишнинг асосий тамойиллари (Стандарт-3)

Виждонлилик, объективлилик, мустақиллик, конфиденциаллик тамойиллари. Бошқа аудиторларнинг иш натижаларидан фойдаланишга лоқайдлилик, хужжатлаштириш, режалаштириш, аудиторлик маълумотларини олиш. *Ҳисоб тизимини текшириш, ички назорат, хулоса ва хулосалар тузишни текшириш.*

Алдаш ва хато (Стандарт-11)

Алдаш ва хато тушунчаларини аниқлаш, молиявий жавобгарлик. *Таҳлилий текшириш.*

Эксперт ишидан фойдаланиш (Стандарт-18)

Эксперт ўтказиш тамойилари. Экспертни жалб қилишга сабаб бўлувчи тафсилотлар. Эксперт хизматининг қиймати. Аудиторлик танловлар. *Танловнинг статистик усуллари*. Танлов таваккалчилиги. Танловни танлаш усуллари. Хатоларни башорат қилиш.

Аудиторлик хулосасининг тузилган кунини расмийлаштириш

Баланс имзолангандан сўнг юзага келувчи хабарлар. Молиявий ҳисобот эълон қилингандан сўнг аниқланадиган фактлар (Стандарт-21).

Аудиторлик хулосаси тузилган кунни расмийлаштириши. Баланс имзолангандан сўнг юзага келувчи воқеаларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги. Раҳбариятнинг тушунтириш хати. Фаолият кўрсатувчи корхонада аудиторнинг махсус ҳисоботлари.

Мавҳумлик ва аудиторлик таваккалчилиги (Стандарт-25)

Мавҳумлик ва аудиторлик таваккалчилиги, улар орасидаги боғлиқлик ҳамда фарқ. Ноаниқ кўрсаткичларга бухгалтерлик баҳоси. Бухгалтерлик баҳосига аудиторлик баҳоси. Бухгалтерлик баҳосини аудит қилиш бошқичлари. Истиқболдаги молиявий ахборотлардан фойдаланиш.

Текширилаётган даврнинг биринчи молиявий ҳисоботидаги бошланғич қолдиқларига нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги (Стандарт-28)

Аудиторнинг бошланғич қолдиқлар учун жавобгарлиги. Бошланғич қолдиқлар бузиб кўрсатилиши эҳтимолини исботлашга ёрдам беради. *Амаллар, қолдиқларнинг тўғри кўчирилганлиги ва аслини тиклаш*. Ўз таваккалчилигини ва назорат таваккалчилигини баҳолаш ҳамда уларнинг мустақил бажарилган амалларга таъсири.

МДХ мамлакатлари аудиторлик стандартларининг ўзига хос тамойиллари

Россия аудиторлик стандартларининг ўзига хос хусусиятлари. *Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва бошқа қўшни мамлакатларда аудиторлик текшируви*.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ

Аудит ўтказишга келишиш хатини тузиш*.

Аудитнинг режаси ва дастурини тузиш*.

Аудит ахборотини йиғиш ва қайта ишлаш*.

Аудитни ҳужжатларда расмийлаштириш (ишчи ҳужжатлар)*.

"Алдаш" ва "Хато" стандартлари бўйича тафсилотларни муҳокама қилиш*.

Аудиторлик танлови ва таваккалчилиги* (масала ечиш).

Ижобий аудиторлик хулосасини тузиш*.

Салбий аудиторлик хулосасини тузиш*.

Шартли аудиторлик хулосасини тузиш*.

Раҳбариятга тушунтириш хати тузиш*.

Давлатлараро иқтисодий муносабатларининг барқарор ва ишончли ривожланишини таъминлашда халқаро аудит тизимининг ўрни*.

Халқаро аудитнинг ривожланиш тарихи. Чет элларда аудитнинг юзага келиши ва ривожланиши*.

Аудитнинг халқаро стандартлари ҳамда уларнинг амалиётда қўлланилиши*.

Халқаро аудит бўйича Ўзбекистонда ва чет элларда чоп этилган адабиётларга шарҳ*.

Мустақил таълим учун тавсия этилган мавзулар:

1. Аудитда таҳлилий текшириш.
2. Маълумотларни электрон қайта ишлаш (МЭК) шароитида аудиторлик текширувини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Аудитнинг компьютерлаштирилган усуллари.
4. Статистик танлов усуллари.
5. Танловда таваккалчилик.
6. Хатоларни башорат қилиш.
7. Танловни танлаш усуллари.
8. Раҳбариятга тушунтириш хати.
9. Аудиторнинг махсус ҳисоботлари.
10. Фаолият кўрсатувчи корхоналар.
11. Ноаниқ кўрсаткичларга бухгалтерлик баҳоси.
12. Бухгалтерлик баҳосига аудит баҳоси.
13. Бухгалтерлик баҳосини аудит этиш босқичлари.
14. Истикболдаги молиявий ахборотлардан фойдаланиш.
15. Ўз таваккалчилигига ва назорат таваккалчилигига баҳо ҳамда унинг мустақил амалга таъсири.

1.ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН КЎРГАЗМАЛИ НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ (СЛАЙДЛАР)

Мустақил таълим мавзулари ва топшириқлари ўқитувчилар томонидан тавсия қилинади.

Халқаро аудит тизими фанини ўрганувчи тингловчилар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида ўқув режасига мувофиқ мустақил таълим олади ва ўрганади. Мустақил таълим олишдан асосий мақсад назарий билимларини мустаҳкамлаш учун мавзулар бўйича аудиторияда ва уйда рефератлар ёзадилар, мавзулар бўйича тестларни ечишади. Шунингдек, бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари фанини ўрганиш билан бирга талабалар хўжалик юритувчи субъектларда амалиёт ўтайдилар. Магистратурани тугатишда белгиланган амалиёт натижаларидан, хўжалик юритувчи субъектлар материалларидан фойдаланиб, магистрлик диссертациясини ёзадилар.

Фанни ўрганишда тингловчилар амалий ёрдам тариқасида "Халқаро аудит тизими" фани бўйича қўлланиладиган турли хил шакл, чизмалар, слайдлар билан таъминланади ва фойдаланилади.

Тингловчилар "Халқаро аудит тизими" фанини ўрганишга доир ахборот воситаларидан, яъни Интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланадилар. Жумладан, куйидаги сайд ва электрон почталардан фойдаланиши мумкин:

- 1.<http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)
- 2.<http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)
- 3.<http://www,iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)
- 4.<http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)
- 5.<http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants)
- 6.www.uza.uz (Ўзбекистан миллий ахборот агентлигининг турли соҳаларга доир кундалик янгиликлари)
- 7.www.cer.uz (Иқтисодий изланишлар маркази)
- 8.www.pravo.eastink.uz (Иқтисодий қонунлар тўплами)
- 9.www.referat.ru рефератлар тўплами ва бошқалар.

Шунингдек, республикадаги чоп этилган газета ва журналлардан ҳам мутахассисликка тегишли материаллар олинади.

2.ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 26 декабридаги 324-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Рейтинг тизимида назорат этиш" Низомига кўра амалга оширилиши керак. Ўзлаштиришни баҳолаш ўқув семестри давомида қуйидаги турларда ўтказилади.

- жорий назорат (жб);
- оралик назорат (об);
- якуний назорат (яб).

ЖБ ва ОБ нинг баллари миқдори мазкур фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатларнинг 70% миқдориди белгиланади.

Фан учун жавобгар кафедра ўз йиғилишидаги қуйидаги баҳолаш мезонларининг моҳияти ва мураккаблигини эътиборга олиб баллар миқдорини тасдиқлайди.

- семестр мобайнида магистрнинг фаоллиги ва дарсларга қатнашиши;
- амалий ва семинар машғулотларига тайёрлиги;
- фаннинг асосий манбаларини йиғиш;
- долзарб мавзуларда рефератлар ёзиш;
- илмий-амалий семинарларда, конференцияларда чиқиш қилиш ҳамда маъруза тезисларини тайёрлаш;
- янги махсус адабиётларга аннотациялар тайёрлаш;
- мустақил ўқиш мавзуларида назорат иши ёзиш;
- чет эл адабиётларидан таржималар қилиш;
- кўргазмаларни қўлланмаларни тайёрлаш;
- фаннинг бўлимлари бўйича магистрнинг билимини баҳолаш.

Семестр охирида умумий балл ва тўпланган балл миқдори рейтинг китобчасида қайд қилинади.

Агарда тўпланган баллар миқдори умумий баллнинг 55% идан кам бўлса, рейтинг китобчасида қайд қилинмайди.

6. АДАБИЁТЛАР Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" Қонуни. 30.08.1996 г.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида" Қонуни. 01.09.2001.
3. Ўзбекистон Республикаси 3-сонли аудит миллий андозаси "Аудитни режалаштириш" № 837 (10.11.1999).
4. Ўзбекистон Республикаси 4-сонли аудит миллий андозаси № 4 "Мижозлар фаолияти билан танишиш" № 810 (3.09.1999).
5. Ўзбекистон Республикаси 31-сонли аудит миллий андозаси "Хўжалик субъектлари фаолияти билан танишиш" № 1043 (21.06.1999).
6. Ўзбекистон Республикаси 5-сонли аудит миллий андозаси "Аудиторнинг иш сифати назорати" № 811 (3.09.1999).
7. Ўзбекистон Республикаси 6-сонли аудит миллий андозаси "Аудитни хужжатлаштириш" № 812 (3.09.1999).
8. Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит: Пер. с английского 5-го изд. -М.: Финансы и статистика, 1995.
9. Аудит: Учебник для вузов. / В.И.Подольский и др. -М.: Юнити-Дана, 2000.
10. Данилевский Ю.А. Аудит: Учебное пособие. -М.: ФБК. Пресс, 2000.
11. Маматов З., Норбеков Д., Шакаров К. Аудит. -Т.: Тошкент Ислом Университети, 2002.

Қўшимча адабиётлар

1. 1-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий андозаси - Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот.
2. 2-сон Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозаси - Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар.
3. 3-сон Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозаси - Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот.
4. 4-сон Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозаси - Товар-моддий захиралар.
5. 5-сон Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозаси - Асосий воситалар.
6. 6-сон Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозаси - Лизинг ҳисоби.
7. 7-сон Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозаси - Номоддий активлар.
8. 8-сон Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозаси - Консолидарлашган молиявий корхоналарга инвестициялар.
9. 9-сон Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозаси - Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот.